

Хар кимки, вафо килса, вафо топгусидир!

«Эхсон-яхшиликнинг жазоси-мукофоти
факат яхшиликдир» (ар-Рохмон сураси: 60)

Бисмиллахир рохманир рохим

Аллох таолога беҳад ҳамду санолар, У Зотнинг танлаб олган росули, пайгамбаримиз хазрати Мухаммад ва ахли байтлари, сахобалари ҳамда уларга гўзал суратда эргашган зотларга беҳисоб дурудуду салавотлар бўлсин!

Кейин...

Аллох таоло Одам алайхиссалом ва унинг зурриётини барча яратган нарсалари ичида азизу мукаррам килиб яратди. Улар киёмат кунигача, Аллох таолога ибодат килиб, яшаб туришлари учун уларга ушбу заминни маскан килиб берди. Уларга мана шу заминда беҳисоб неъматлар ато этиб, агар таъбир жойиз бўлса, уларни ушбу заминнинг хўжайини килиб кўйди. У буюк Зотнинг уларга кўрсатган яна бир марҳамати; уларни ахлоксиз, хайвонлар каби яшашлари учун ўз холларича ташлаб кўймади, балки, ўз марҳамати билан ўзларининг ичларидан покиза инсонларни танлаб олиб, уларга парвардигорларини танитиш, Унинг ёлғиз Ўзига ибодат килишни ўргатиш ва гўзал хулкларни таълим бериш учун пайгамбар килиб юборди. Ана ўша пайгамбарлардан энг улуги, энг хурматлиси, бекиёс гўзал хулклиси бизларнинг пайгамбаримиз Мухаммад мустафо соллаллоху алайхи ва салламдирлар. У зот соллаллоху алайхи ва саллам хакларида Аллох таоло Калам сурасининг тўртинчи оятида: **«Албатта Сиз улуг хулк устидадирсиз»** — деб, марҳамат килди. Мана шу улуг хулк устида бўлган пайгамбаримиз соллаллоху алайхи ва саллам: "Мен улуг хулкларни адогига етказиб, баркамол килмок учун юборилдим" — деб, марҳамат килдилар. Ха, у зот соллаллоху алайхи ва саллам ўз асхобларига, улар эса, тобиинларга ва улар кейингиларга мана шу гўзал хулкларни комил равишда таълим бериб кетишди. Анашу улуг хулкларни ўзида касб этмокчи бўлган хар бир мусулмон пайгамбаримиз, сахобалар, тобиинлар ва салаф уламоларимизни сийрат – тарихларини ўқиб таълим олса, – Аллох насиб этган бўлса – у хам, ўша гўзал хулклар сохиби бўлгусидир.

Хурматли ўқувчи биз кўйидаги сатрларда пайгамбаримизнинг гўзал ахлокларини ўргатадиган мактабларда таълим олган, улуг, салаф уламоларимиздан бирлари – 442-хижрий санада тугулган, етти

ёшидаёк Куръони Каримни ёд олган, умрини исломий илм ва унинг таълимига багишлаб, 535-хижрий санада тўксон уч ёшида вафот этган, мухаддис олим, кози Абу Бакр Мухаммад ибн Абдулбокийнинг хаётида воқеъ бўлган ва уни ўз тили билан сўзлаб берган, улуг хулқлардан омонатдорлик, вафо, хайрлик ишни ҳеч қандай муқобилсиз адо этиб, унинг муқофотини охирага захира қилиб қолдиришдек гўзал хулққа намуна бўладиган бир воқеъани баён қилмоқчимиз. Умид қиламизки; ушбу воқеа сиз ҳам, мана шундай улуг хулқларни қасб этишингизда сизга албатта қўмакчи бўлгай.

У зот ҳикоя қилиб айтади:

«Маккада – уни Аллох муқорак этиб сакласин! – мужовир бўлиб турган қунларимнинг бирида ейишга ҳеч нарса топа олмай, оч қолдим. Бу очликдан мени ҳалос этгудек бирор егулик қидириб қўчага чиқдим. Қўчада ипак матодан ишланган, оғзини ҳам ипак билан боғлаб қўйилган бир ҳамён топиб олдим. Уни манзилимга олиб келиб очиб қарасам, ичида бир шода марварид бор экан. Хаётимда бундайин чиройли, бундайин тоза марваридни қўрмаганман. Қайтиб қўчага чиқдим. Қўчада қўлига беш юз динор пулни ушлаб олиб: "Ҳамёнимни топиб берган кишига мана шу беш юз динорни муқофот қилиб бераман" — деб турган бир кишини қўрдим. Фикр қилдим: "Мен ҳозир оч қолган, бир мухтож кишиман ҳамёнини қайтиб берсаму, мана шу беш юз динор тиллони олиб, тирикчилигимга сарф қилсаммикин?". Кейин, у кишини манзилимга бошлаб келдим. У менга ҳамёнини, унинг оғзи боғлан боғични ҳамда унинг ичидаги марваридни тўғри сифатлаб берганидан сўнг, омонатни унинг қўлига тутқаздим. У менга ваъда қилган беш юз динорни бермоқчи бўлган эди, мен унга: "Йўқ, ушбу омонатни ҳеч қандай муқофотсиз ўз эгасига топшириш менинг бурчимдир" — деб, ҳар қанча илтимос қилса ҳам, уни қабул қилмадим. У киши мен муқофотни қабул қилмаслигимни билгач, ҳаққимга дуо қилиб, йўлига равона бўлди.

Қўп ўтмай мен ҳам Маккадан ўз юртимга денгиз орқали, кема билан сафарга чиқдим. Йўлда бахтсиз воқеа содир бўлиб, кема ҳалокатга учради. Кемадаги барча кишилар бор-будлари билан бирга денгизга гарк бўлдилар. Аллохнинг марҳамати билан кеманинг бир синик бўлагига тирмашиб олиб, факат мен омон қолдим. Денгиз мавжи мен тирмашиб олган кема парчасини мусулмонлар яшайдиган бир оролга олиб бориб ташлади. Денгиздан соғ-саломат қутулиб, ўша жойдаги бир масжидга бориб тушдим. Орол аҳли менинг масжидда қуръон ўқиб ўтирганимни қўриб, илм аҳлидан эканимни билишди. Сўнгра улар менинг ҳузуримга қуръондан таълим беришим ва ёзувни ўргатишим учун тўп-тўп

бўлиб келишди. Деярли оролдаги хамма – ёш болалару катталар келиб, хузуримда таълим олишди.

Кўп ўтмай анча мол-дунё топиб, ўзимни ўнглаб олдим. Шундан кейин, улар мени уйлантириб кўймокчи бўлишди. Менга отасидан анча мол-дунё мерос олган, бир етим кизни таклиф килишди. Мен уйланишга рағбатим йўклигини билдиришимга карамай каттик туриб олишди. Ноилож рози бўлдим. Кизни ясантириб, такинчокларини тактириб хузуримга олиб келишди. Мен кизга назар ташлар эканман, Маккада мен топиб олиб, эгасига топширганим, бир шода марвариднинг айнаи ўзи, мен аввал кўрган сифатда унинг бўйнида турарди. Мен беихтиёр, у марваридга узок тикилиб қараб колдим. Улар: "Эй шайх, мунча марваридга тикилиб қарайсиз, бу ишингиз билан бечора кизга озор бермокдасиз" — деб, менга итоб кила бошладилар. Шунда мен уларга марварид воқеасини сўзлаб бердим. Улар: "Аллоху акбар, ла илаха иллаллох" — деб, шу даражада каттик овоз билан такбиру тахлил айтишдики, хатто овозлари жазира ахлининг барчасига етиб борди. Мен ажабланиб: "Сизларга нима бўлди ўзи" — деб, сўрадим. Улар: "Ўша сиздан марваридни қайтиб олган, марварид сохиби мана шу етим кизнинг отаси эди. У доимо сизни мактаб: "Мен дунёда у кишидан бошқа, бундайин халол, чин мусулмон кишини кўрмаганман, эй Аллох мени у кишига қайта рўбарў қилгин, кизимни унга никохлаб берайин"— деб, дуо қилиб юрарди, бироқ у орзусига етолмай хаётдан ўтди. Мана энди унинг дуоси ижобат бўлиб орзуси ушалмокда"— деб, жавоб беришди. Кейин у билан бирга хаёт кечира бошладим. Аллох таоло менга ундан икки ўгил ато этди. Кўп ўтмай, аввал аёлим, кейинрок эса, икки ўглим хам фавот топишди. Халиги қийматбахо марварид менга мерос бўлиб колди. Мен уни минг динорга сотиб юбордим. Сизлар кўриб турганларинг мана шу бойликларим ўша марвариднинг пулидан колганларидир». (Хоний ал-Хож: Солих кишилар хаётдан минг бир кисса)

Мана азиз ўқувчи ўзингиз шохид бўлганингиздек, мана шундай омонатга вафо қилган улуг хулк сохибини Аллох таоло мана шу дунёнинг ўзидаёқ яхшилик билан мукофотлаб қўйди. Охиратда эса, бунда-да олийрок, бундан-да яхширок мукофотлар билан мукофотлашида асло шубха йўқдир. Аллох таоло тўғри сўзлагувчи Зотдир. У буюк Зот мархамат қилиб айтади: «**Эхсон-яхшиликнинг жазоси-мукофоти факат яхшиликдир**». (ар-Рохмон сураси: 60)

Сухбатимиз охирида Аллох таолодан хаммаларимизни хам, мана шундай улуг, гўзал хулкларга муваффақ айлашини тилаган холимизда, сизлар билан хайрлашамиз.

Абу Мухаммад ИНТ

Мавзу [Ислом Нури](#) веб саҳифасида нашр қилинган